



САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙВОНЛАР ЭКОЛОГИЯСИ ВА МОРФОЛОГИЯСИ



<i>Жабборов А.Р., Ҳакимов Н.Ҳ.</i> Самарканд зоология илмий мактаби.....	3
<i>Абдуллаев Э.Н., Рахимов М.Р.</i> Жуки урочища «Етти уйлисой» Ургутского района.....	14
<i>Н.А. Алланазарова, М.Р. Аделова</i> Принципы структурной организации ампулы большого сосочка двенадцатиперстной кишки у рыб.....	20
<i>Жабборов А.Р.</i> Биозарарланишларда иштирок этувчи кушларнинг экологик мутаносиблиги.....	24
<i>Жахонгиров Ш.М., Абдиев Ф.Т., Хамзаев Р.А.</i> Анализ изменений эпидемиологической ситуации по кожному лейшманиозу в регионах Узбекистана.....	32
<i>Иззатуллаев З.И., Қудратов Ж.А.</i> Шимолий Октоғ қориноёкли моллюскалари (Mollusca, Gastropoda, Pulmonata) нинг биохилма-хиллиги хусусида илк маълумотлар.....	39
<i>А.У. Мамашукуров</i> Майна - <i>Acridotheres tristis</i> нинг уялаш биологиясига доир маълумотлар.....	43
<i>Мухаммадиев Б. Ш., Жабборов А.Р.</i> Некоторые способы реставрации зоологических экспонатов (таксидермических изделий).....	52
<i>Рахманова З.Р., Таджиева М.</i> Qora uzunqanotva oq qorinli uzunqanotning uyalash ekologiyasi.....	55
<i>С.Э. Фундукчиев</i> Новые местообитания для водных и околоводных птиц в Узбекистане.....	61
<i>С.Э. Фундукчиев</i> Распространение, численность и экология размножения сорокопутов в условиях Узбекистана.....	71
<i>С.Э. Фундукчиев</i> Численность, размножение и хозяйственное значение розового скворца.....	81
<i>Ҳакимов Н.Ҳ., Нарзуллаев С.Б.</i> Паразитические фитонематоды пшеницы выращиваемых на богаре и орошаемых землях в Самаркандской области.....	89
<i>Халимов Ф.З., Холматов Х.Т., Акрамов И.Б.</i>	

Зарафшон кўрикхонаси баргхўр кўнғизлари (<i>Chrysomelidae</i>)нинг систематик таҳлили.....	96
<i>А.Б.Хамидова</i>	
Роль гормонов в жизнедеятельности энтеральных паразитов в системе «паразит-хозяин».....	101
<i>Хусенова Л., Алланазарова Н.А.</i>	
Анатомия и гистология щитовидной железы у некоторых позвоночных животных.....	106
<i>Aliyev D., Ruziqulova N.A.</i>	
Turli agrotsenozlarda quruqlik qorinoyoqli mollyuskalarining tarqalishi.....	111
<i>Ashrapov A.A., Otamurodov A.</i>	
Urgut tumanida tarqalgan ayrim tur chigirtkalar biologiyasiga oid ma'lumotlar.....	115
<i>Hakimov N.H., Narzullayev S.B.</i>	
Tog'ning o'rta mintaqasi sharoitida yetishtiriladigan kartoshkaning parazit fitonematodalari va ularning bioekologik xususiyatlari.....	118
<i>Ruziqulova N.A., Daminov M.A.</i>	
Samarqand viloyati Pastdarg'om tumanida (sug'oriladigan hududlarda) qo'y va qoramollarni fasciolalar bilan zararlanishiga doir ma'lumotlar.....	124
<i>Ruziqulova N.A., Izzatullayev Z.I.</i>	
Urbanizatsiyalashgan landshaftlar qorinoyoqli suv mollyuskalarining faunistik tarkibi va ekologiyasi.....	128
<i>Зохидова И.С.</i>	
Чугурчик – <i>Sturnus vulgaris L.</i> ning uя ekologiyasi.....	133
<i>Қодиров Д.Х., Халимов Ф.З.</i>	
Колорадо кўнғизи (<i>Leptinotarsa desemlineata</i>) ning айрим экологик хусусиятлари.....	137

2. Ковшарь А.Ф. Птицы Алакского Алатау // Труды пкс. заповедника Аксу-Джабаглы. Алма-Ата: Кайнар, 1966. - Т.1, 3. - 436 с.
3. Сагитов А.К. Зимующие воробьиные птицы Зарафшанской долины. Труды СамГУ, вып. 110. Зоология. Самарканд, 1961.

КОЛОРАДО КЎНҒИЗИ (*Leptinotarsa deserticola*) НИНГ АЙРИМ ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қодиров Д.Х., Халимов Ф.З.

Картошка ўсимлигига зарар келтирадиган зараркунинда хашаротлар орасида колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa deserticola*) ўта муҳим аҳамиятга эга. Агар қарши кураш чоралари ўтказилмаса, ушбу зараркунанда таъсирида картошкадан олинадиган ҳосил 70-90% йўқотилиши мумкин [1,2]


Ҳозирги даврда колорадо кўнғизининг биологияси, экологияси ва зарари ҳақида анча кенг маълумотлар тўпланган. Аммо ушбу зараркунандага қарши курашда, асосан, кимёвий қураш воситаларидан фойдаланилмоқда. Колорадо кўнғизининг экологик хусусиятларини янада тўлароқ таҳлил қилиш унга қарши уйғунлашган кураш тизимларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Биз ўз тадқиқотларимизда колорадо кўнғизи гумбақларининг тупроқ горизонтлари бўйлаб тақсимланиши ва гумбақларининг яшовчанлик кўрсаткичларини таҳлил қилдик.

Тадқиқотлар Паст даргом туманидаги «Файзли Ер-ХIII» фермер хўжалиқларида олиб борилди. Колорадо кўнғизи гумбақларининг тупроқ горизонтлари бўйича тақсимланишини ўрганиш учун ҳар бир картошка майдонидан 5 тадан (50 см x 50 см) намуна майдончалари ажратилди. Намуна майдончалари тупроқлари 2-5 см, 5-8 см, 8-12 см, 12-15 см ва 15-18 см катламлар бўйича алоҳида таҳлил қилинди. Терилган гумбақлар лаборатория шароитида Петри идишларида 2 см ли тупроқ катламларида сақланди. Гумбақлардан кўнғизларнинг чиқиши ҳисоблаб борилди ва гумбақларнинг яшовчанлиги ҳақида ҳулосалар қилинди.

Тадқиқотларда колорадо кўнғизи гумбақларининг тупроқ катламлари бўйлаб тақсимланиши таҳлил қилинди. Олинган натижалар 1-расмда тасвирланган. Тадқиқотлар кўрсатишича, колорадо кўнғизи личинкалари тупроқнинг 18 см чуқурликкача бўлган катламларида гумбақка айланади. Аммо, гумбақларнинг асосий қисми (56%) тупроқнинг 8 см гача бўлган катламларида

жойлашади. Тупрокнинг 2-5 см катламида терилган гумбаклар 14% ни, 5-8 см катламида 42% ни, 8-12 см катламида 21% ни, 12-15 см катламда 13% ни, 15-18 см катламда 10% ни ташкил килди (1-расм). Личинкалар гумбакка киришидан олдин тупрокка кириб чукурчалар тайёрлайди. Личинкаларнинг канча чукурликка кириб бориши ҳаво ва тупрок ҳароратига, тупрок структурасига ҳамда унинг зичлигига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, личинкаларнинг қандай чукурликка кириб бориши уларнинг физиологик ҳолатига ҳам боғлиқ [3]. Физиологик жиҳатдан кучсизланган личинкалар, асосан, тупрокнинг 5 см гача бўлган катламида гумбакка айланади ва бундай гумбаклардан кўнғизларнинг учиб чиқиш фоизи анча паст бўлади.



1-расм. Колорадо кўнғизи 1-авлод гумбакларининг тупрок катламлари бўйлаб тақсимланиши (Паст-Дарғом тумани, 2017).

Колорадо кўнғизи гумбакларининг яшавчанлигини аниқлаш мақсадида гумбаклар лабораторияда махсус шароитида сакланди. Олинган натижалар 1-жадвалда кўрсатилган. Биринчи авлод гумбакларининг яшовчанлиги 85,8 % ни ташкил этади. Терилган 211 та гумбакнинг 181 тасидан кўнғизларнинг чиқиши қайд қилинди, 30 та гумбакда ривожланиш кузатилмади. Иккинчи авлод гумбакларининг яшовчанлиги анча паст бўлиб, 74,2 % ни ташкил этди. Бу авлод вакилларида нобуд бўлган гумбакларнинг кўп

бўлишига бир нечта сабаблар бўлиши мумкин. Биринчидан, иккинчи авлод личинкалар гумбакка айланиш даври ёз ойларига тўғри келади ва бу даврда ҳавонинг ва тупрокнинг нисбий намлиги паст бўлади. Бу ҳолат личинка ва гумбаклар бир қисмининг nobуд бўлишига сабаб бўлади. Иккинчидан, иккинчи авлод-гумбаклари орасида диапаузага кетиш фоизининг юқори бўлишидир.

1-жадвал

Колорадо кўнғизи гумбакларининг яшовчанлиги
(Паст-Дарғом тумани, 2017)

Авлодлар	Терилган гумбаклар сони	Кўнғизлар чикқан гумбаклар	Диапауза ёки nobуд бўлганлари	Учиб чиккиш фоизи
1-авлод	211	181	30	85,8
2-авлод	256	190	66	74,2
3-авлод	387	271	116	70,0

Маълумки, колорадо кўнғизи етук боскичида қишлоғга кетади. Баъзан гумбакларнинг ҳам қишлоғ қолиш ҳолатлари кузатилади. Учинчи авлод кўнғизлар гумбакдан чикқандан кейин, бир оз вақт озикланади ва тупрокнинг чуқурроқ қатламларига кириб қишлоғга кетади. Гумбакдан чикқан кўнғизларнинг анчагина қисми ер юзасига чикмасдан қишлоғ қолиши ҳам мумкин. Лаборатория шароитида учинчи авлод гумбакларининг яшовчанлиги 70 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткич биринчи ва иккинчи авлод яшовчанлигига нисбатан пастроқ. Учинчи авлод гумбаклари яшовчанлигининг паст бўлиши личинкаларнинг озикланиш шароити ва уларнинг физиологик ҳолатига боғлиқ бўлиши мумкин. Учинчи авлод личинкаларнинг озикданиши куз даврига тўғри келади ва бу даврдаги ўсимлик барглари дағаллашган бўлади, уларнинг таркиби ҳам сифат жиҳатидан ноқулай бўлиши мумкин. Албатта, турли авлод гумбакларининг лаборатория шароитидаги яшовчанлик кўрсаткичлари табиий шароитдаги тўла мос келмаслиги мумкин, чунки лаборатория шароитида гумбаклар сакланаётган идишлардаги тупроқ мунтазам намланиб турилди. Табиий шароитда эса гумбакларнинг турли омиллар таъсирида nobуд бўлиши юқорироқ бўлиши мумкин.

Шундай килиб, колорадо кўнғизи личинкалари тупрокнинг 20 см гача бўлган чуқурлигида ғумбакка айланади ва ғумбакларнинг асосий қисми (63% и) 5-12 см чуқурликда жойлашади. Турли авлод ғумбакларининг яшовчанлиги турлича бўлиб, энг юқори яшовчанлик 1-авлод ғумбакларида кузатилади ва у 85,8 % ни ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Тилавов Т. Колорадо кўнғизи ва унга қарши қураш. Тошкент, Янги аср авлоди, 2009.
2. Алимухаммедов С.Н., Адилов З.К., Жўраев М., Даминов Д.Б. Рекомендации по борьбе с колорадским жуком на посевах картофеля и пасленевых культур в Узбекской ССР. Т., 1988.
Жўраев М.Ж. Биологические особенности развития колорадского жука (*Leptinotarsa desemlineata*) в условиях Узбекистана и меры борьбы с ним. Тошкент, 2000.